



2018-YIL 9-IYUN
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

68
(16225)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

YOSHLAR OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

“ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР” ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шарт-шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш буйича кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истатида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари талаб даражасида амаллигини кўрсатмоқда.

Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-хунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг омаллаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта тажриба ва захира мавжудлигидан далолат беради.

Ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало олис ва табиий-иқлим шартли оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) амалга оширилади.

2. Қўйилган Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

тадбиркорлик билан шуғулланиш истатида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш; тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш;

касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микробизнеспларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларнинг иқтисодлашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тадбирчисига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишини бошлаган оилаларга бириктириш — минн-кластерлар ташкил этиш;

жойларда оилавий тадбиркорликка курсатилмаган хизматлар қўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объекти, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

вақтинчалик молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги ишчи гуруҳлар тuzилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш буйича ташкилий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар);

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш буйича махсус ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Махсус ишчи гуруҳлар);

туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида Тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш буйича ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ҳудудий ишчи гуруҳлар).

Бунда:

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари, ҳудудий молия, солиқ, инвестиция бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари ва иқтисодий мажмуага кирувчи бошқа идораларнинг масъул ходимлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари раҳбар ходимлари;

Махсус ишчи гуруҳлар ҳудудий Савдо-саноат палатаси, инвестиция, солиқ бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари, “Ҳунарманда” уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари вакиллари;

Ҳудудий ишчи гуруҳлар иқтисодий мажмуага кирувчи ташкилотлар малакали мутахассис ходимларининг 50 фоиз қисмида, банк филиаллари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ва профлактика инспекторларидан иборат таркибда шакллантирилади.

4. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга:

Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг ҳар бир оилани ўргатиш натижалари буйича ишларини мувофиқлаштириш;

Ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиш натижалари буйича қиритилган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриб бориш, республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш;

туман ва шаҳарларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, янада қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш буйича тақдирлар ишлаб чиқиш;

аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва ҳар оя натижаларини буйича улар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳар бир туман ва шаҳарда Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари хусусида Дастур координаторларига батафсил ахборот киритиб бориш вазифаларини юклатилсин.

5. Махсус ишчи гуруҳларга: тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиққида бўлган фуқароларни ушбу фаолиятга йўналтириш учун жойларга чиққан ҳолда “Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЦИНДАО ШАҲРИГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этиш учун 8 июнь кунин Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрига келди.

«Лютин» халқаро аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Хитой ҳукумати вакиллари кутиб олди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 9-10 июнь кунларига белгиланган.

Бу йилги саммитнинг узига хос томони шундаки, у илк бор “саккизлик” форматида бўлиб ўтади, яъни бу сафар Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Хиндистон Бош вазири Нарендра Моди ва Покистон Президенти Мамнун Ҳусайн ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатлар раҳбарлари сифатида иштирок этади.

Мавлумки, 2016 йили Тошкент саммитида Хиндистон

ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланган ва улар учун ташкилотга йўл очилган эди. Ниҳоят, ўтган йили Остонада бу икки давлат Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланди.

Циндаода ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарлари аввал тор доирада, кейин кузатувчи мақомидаги давлатлар вакиллари билан бирликтириб кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказди. Учрашувларда ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсат, хавфсизлик, савдо, иқтисодиёт, юқори технологиялар ва инновациялар, инвестиция, маданият-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Саммит якунида давлат раҳбарларининг Циндао декларациясини қабул қилиш

режалаштирилмоқда. Шунингдек, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш, узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликка оид ҳужжатлар, ёшларга қўшма мурожаатни имзолаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аъзо давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга оид қатор бошқа ҳужжатларни қабул қилиш мўлжалланган.

Давлат раҳбарлари навбатдаги муддатда ШХТга раислик қиладиган мамлакат тўғрисида қарор қабул қилдилар, ШХТ бош котиби ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори лавозимларига номзодлар тасдиқланди.

ШХТ саммити доирасида Ўзбекистон Президенти қатор давлат раҳбарлари билан учрашув ва музокаралар ўтказиши режалаштирилмоқда.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА

21
Кун қолди

Аскарларни мутолаага жалб этиш мақсадида Ёшлар иттифоқи Тошкент ҳарбий окуругига 156 номдаги жами 400 та китоб жамланмаси тўхфа этди.

ESHITDINGIZMI?



“ЁШ КИТОБХОН” ДАВОМ ЭТАДИ

Ёшлар иттифоқи томонидан жорий йилда илк бор ўтказилган “Ёш китобхон” танлови жамоатчиликнинг алоҳида қизиқиши ва эътиборини қозonganди. Энциликда мазкур лойиҳани доимий амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу ҳақда Президентимизнинг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қароридан белгиланган. Кунинг кеча пойтахтимизда ана шу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Нодир Жонузок, журналистлар ва бу йилги “Ёш китобхон” танловида иштирок этиш истатини билдирган бир гуруҳ ёшлар қатнашди.

— Бу йилги танлов аввалгисидан фарқли равишда тўрт босқичда

ўтказилади, — таъкидлади Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бош мутахассиси Қандил Бобоқулов. — Дастлабки босқичда иштирокчилар тест топширади. Маҳаллий ва ҳудудий босқичларда номзодлар иккита шарт асосида саралаб олинади. Финалга ўтганлар эса, тўртта шартга дош бериши керак.

Танловга аризалар 1 июнгача қабул қилинган. Бу сафар беллашув аввалгисидан фарқли ўлароқ учта — 10 — 14, 15 — 19 ҳамда 20 — 30 ёш тоифалари буйича ташкил қилинади. Ҳар бир тоифа вакиллари ўқиб ўзлаштириш шарт бўлган китоблар рўйхати ҳам шакллантирилган.

Яна бир янгилик: эндиликда “Ёш китобхон”нинг ҳудудий босқичлари ҳам “Ёшлар” телерадиоканали орқали эфирда намойиш этилади. Бундай ёндашув холисликни таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шерзод МАҲМУДОВ

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ҚУЙИ ЧИРЧИК: ЯНГИ ҲАЁТГА МАРҲАМАТ!



Ўзбекистонни ёшлар кучли қилади. Сабоби бизда бунёдкорлик шижоати, тенгсиз салоҳият ва муҳими, она Ватанга керакли бўлиш иштиққи мўжассам. Демак, кўп нарсага қодиримиз. Бирлашсак, қудратимиз янада ортиши ҳам табиий. Бугун 10 миллиондан зиёд йигит-қизнинг дарду ташвишлари билан яшаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи айнан шу мантиққа асосланиб фаолият олиб бормоқда.

Ёшларни эртаси эгаларига айлантириш истаги битта ташкилот, ҳатто битта давлатдан ҳам ҳазиланма куч, матонат талаб қилмайди. Шу мақсад билан ёниб яшамаларининг натижа чиқмаслиги аниқ. Аммо амалда кўп бора исботини топган бошқа ҳақиқат ҳам бор: инсон шахсий манфаатларини четга суриб, кўпнинг манфаати учун яшатиш, меҳнат қилиши, ўз тақдирини Ватан келажаги билан боғлаши учун, аввало, ҳаловатини ўғирлайдиган, орзу-умидларини чиплакка чиқарадиган ижтимоий ва маънавий муаммолардан халос бўлмоғи даркор. Акс ҳолда, жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар унга татимайди, биронтасига ҳам ақлли эътибор бергиси келмайди. Бунинг давлат ҳам, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини рўбга чиқарувчи ташкилотлар

ҳам жуда яхши англаган.

Мана сизга исботи. Салкам бир ой аввал Ёшлар иттифоқи ташаббус кўрсатиб, кейинчалик бутун мамлакатга омаллаштириш истаги билан “Ёшлар — келажагимиз” номи дастур лойиҳасини ишлаб чиққан эди. Айтаетганимиз шунчаки ҳужжат эмас, балки минг-мингга тенгдошларимиз ҳаётини янги ўзанга буриб юборадиган, янча қанчадан-қанча муаммога ечим топиб, халқни рўшнликка олиб чиқадиган, ўзидан қониқиб, давлатдан рози бўлиб яшашига ундайдиган жуда катта амалий сая-ҳаракатдир. Ёшлар ташкилоти уни Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидан бошлади.

Тажриба учун нега айнан шу ҳудуд танлангани ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Яшириб нима қилдик, ёшларга оид давлат сиёсатини рўбга чиқариш борасидаги муаммо камчиликлар ҳамма жойда ҳам учраб турибди. Қуйи Чирчиқ истисно эмас. 26 майдан туманда ўрганиш ишларини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат масҳаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев бошчилигидаги ушун миссия — 160 килички жами

ўнта ишчи гуруҳи аъзолари 24 маҳалланинг салкам йигирма мингта хонадонига кириб, оилаларнинг турмуш шартли билан танишди.

Маҳаллий ёшлар ўртасида анкета суровномаси ўтказилиши натижасида уларнинг 5 миң 287 нафари ишсиз экани аниқланди. Ваҳоланки, туман статистика бўлими ҳисоботида ушбу рақам ярмича ҳам курсатилмаган. Бундай қўбуямачилдан хунобинг ошди. Ясама рақаму сохта ҳисоботлар билан қанонгача ўзимизни-ўзимиз алдаймиш, ахир? Касрига халқимиз, ёшларимиз қоляпти-ку! Наҳотки шунини тушунмасак! Таассуфки, қайси туман ёки шаҳарни ўрганманг, маҳаллий мутасаддилар ёмонини яшириш, яхшини ошириш “тамоили”га ўтиб олгани маълум бўлиб қолмоқда. “Ёшлар — келажагимиз” дастурининг тўб негизда ҳақиқий аҳволни теран кўз билан баҳолаб, одамларнинг ишга, ҳаётга муносабатини ўзгариштириш, муаммолар олдида кўз юммай, аксинча, бартараф этишга ошиқтириш мақсади этибди. Тараққийта элтувчи энг қисқа йўл ҳам шу!

Наргиза УМАРОВА

► 3

ТАЛАБА “АҚЛЛИ ДЎППИ”
ИХТИРО ҚИЛДИ

2

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси "Адашганлар" ҳужжатли фильми муҳокамаига бағишланди. Унда Ёшлар иттифоқи ва Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, журналистлар иштирок этди.



Р.НА ЗАРМАТОВ
Даставвал мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш

"АДАШГАНЛАР" ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТАДИ

борасида қилинаётган ишлар хусусида маълумот берилди. Қайд этилганидек, ўтган йили энг кўп ҳуқуқбузарлик ва жиноят ҳолатлари Тошкент, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятларида аниқланган бўлиб, профилактик тадбирлар натижа-сида бу йилги кўрсаткич анча пасайган.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА



Тадбир давомида "Адашганлар" ҳуж-жатли фильми намойиш этилди. "Иқти-дор" кино студияси томонидан суратга олинган кинокартинада ахлоқ тузатиш колониясига тушган ёшларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

— Фильми кўриб жуда таъсир-ландим, — дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Шаҳрибону Темирова. — Унда тенгқурларимиз-ни жиноят йўлига бошлаган омиллар очик-ойдин кўрсатиб берилган. Сиз беихтиёр уларга ачиниб, хатоларидан хулоса чиқарасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

"ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР" ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланчи 1-саҳифада)

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор ҳамда долзарб талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар база-сини шакллантириш, ҳар ойда янги-лаб бориш ҳамда ушбу маълумотлар-ни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан кенг фойдалан-ган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бериш ва йўналишлар бериб бориш;

харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-тех-нология ва бошқа ускуналарнинг тад-биркорлик билан шуғулланиш истига-рида бўлган оилаларга тақдимотларни ўтказиш ва сотиб олишига қўмакла-шиш;

кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи аҳолига қасанчилик ва ки-чик ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарув-чи микрофирмаларни ташкил этиш орқали қўшимча даромад топиш им-конини яратиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш (шу жумладан, бюджет ташкилот-ларига) орқали уларнинг фаолиятига қўмаклашиш юклатилсин.

6. Худудий ишчи гуруҳларга: ҳар бир оила ва хонадонларни хатлов асосида қамраб олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш са-лоҳияти, истак ва тақдирларини син-ковлик билан ўрганиш;

ўрганиш давомида оилаларнинг тадбиркорлик ҳолати ва кўникмаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлигини аниқлаш;

ҳовли ва кўп қаватли хонадонлар-да яшовчи ҳар бир оиланинг тадбир-корлик салоҳияти ва имкониятлари-ни таҳлил қилиш, яшаш ҳудудининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун кенг қамровли йўналишлар бериш ва қўмаклашиш;

тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истигаида бўлган шахсларга тижорат банкилари томо-нидан кредитлар ажратиш ишларини ташкиллаштириш;

аҳолининг шахсий томорқа ер майдонларидан самарали фойда-ланиш юзасидан тақдирлар бериш, уларни амалга оширишга қўмакла-шиш;

тадбиркорлик билан шуғулланаёт-ган ва фаолият турини кенгайтириш истигини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда айрим сабабларга қўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари ва хунарманлар фаолиятини қайта тиклаш учун тегишли шарт-шароит-лар яратишнинг ҳамда мавжуд муам-молар ҳал этилишига амалий ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини таш-кил этиш, уни амалга оширишда ҳуж-жатларни расмийлаштириш ва бошқа давлат хизматлари кўрсатилишида тавсиялар ҳамда қўмак бериш;

ҳар ойда қамда бир марта тад-биркорликни янги ташкил қилган ои-лаларга ташриф буюриб, фаолияти давомида юзага келаятган муаммо-ларини ўрганиб бориш, уларни бар-тарafd этиш ва ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш самара-дорлигини ўрганиш;

ўрганиш натижалари буйича ҳу-дуд ва республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ва тақдирларни Ташкилий муво-фиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга киритиб бориш вазифалари юклатил-син.

7. Дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тизимли монито-ринг қилиш ва рўёбга чиқарилишига қўмаклашиш Ўзбекистон Республика-си молия вазирининг ўринбосари А.Р.Каримов, иқтисодий вазирининг ўринбосари А.Ж.Ортиқов, Марказий банк раисининг ўринбосари А.Р.Ис-ламовлар — Дастур координаторла-рига юклатилсин.

Дастур координаторлари ишчи гуруҳлар томонидан олиб борила-ётган ишлар юзасидан ҳар ой якуни буйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот кири-тиб бориш.

8. Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари-ни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳу-зуридаги Жамоат ишлари жамғарма-сига зарур бўлган ҳолатларда Дастур-да белгиланган вазифаларни қўшимча молиялаштириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тад-биркорлик фаолиятини ривожлан-тиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Дастур доирасида тад-биркорлик субъектларига ажратила-диган кредитларга устувор равишда

кафилликлар ва фойз харажатларини қоплаш учун компенсациялар ажрат-син.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Жамғармага тадбир-корлик субъектларига ажратиладиган кредитлар буйича фойз харажатлари-ни қоплаш учун компенсация тақдим этиладиган йўналишларни кенгайти-риш юзасидан тақдирлар киритиб бори-син.

9. Белгилаб қўйилсинки, тижорат банкилари томонидан имтиёзли кре-дитлар:

энг кам иш ҳақининг юз элик ба-раваригача миқдорда — белгиланган тар-тибда давлат рўйхатидан ўтган кичик ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш буйича секторлар раҳ-барлари ва маҳалла фуқаролар йиги-ни тавсияномалари;

энг кам иш ҳақининг минг баравар-игача миқдорда — белгиланган тар-тибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари до-ирасидаги бошқа таъминот турлари;

энг кам иш ҳақининг минг баравар-идан ортиқ миқдорда — тадбиркор-лик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажрати-лади.

10. Дастур координаторлари зим-масига туман ва шаҳарларда кичик тадбиркорлик субъектлари томони-дан самарадорлиги юқори, барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларга энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда Дастур доирасидаги ресурслар ҳи-سوبидан имтиёзли кредит ажратишга Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорига асосан хулоса бериш вазифаси юклатилсин.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар аъзолари ўз қарори асосида имтиёзли кредит ажратилган лойиҳаларнинг тулиқ ишга тушири-лиши ҳамда келгусида ушбу лойиҳа-ларнинг самарали ишлашини монито-ринг қилисин.

Дастур координаторлари Таш-килий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорлари асосида кредит ажратилган инвестиция лойи-ҳаларининг амалга оширилиши ҳолати-ни алоҳида назорат қилиб бори-син.

11. Ўзбекистон Республикаси Мо-лия вазирлиги суғурта ташкилотлари билан биргаликда тижорат банкилари томонидан имтиёзли кредитларнинг қайтамаслик хатари суғуртагандан-да суғурта туловиани 1,5 фойзадан ортиқ бўлмаган миқдорда белгилаш ҳамда суғурта шартларини энгиллашти-риш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳўкимликлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан бир-галикда икки ой муддатда фойдала-нилмаётган ер майдонларини инвен-таризациядан ўтказиб, белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ко-нун ҳужжатларида ўрнатилган тар-тибда бекор қилиниши ҳамда ушбу ер майдонларини Дастур доирасида фаолиятини бошлаётган ва кенгай-тираётган тадбиркорлик субъектла-рига ажратиш юзасидан зарурий чо-ралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат рўйха-тидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаш ва улар фаолиятини қонунийлаштириш юза-сидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва натижа юзасидан ҳар чорак якуни буйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бори-син.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-санoат палатаси, Қорақалпоғистон Респу-бликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари ман-фаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда туман ва шаҳарларда замонавий мини-тех-нологиялар ва бошқа ускуналар сай-ёр кўргазмаларини ташкил қилиш чо-раларини кўрсин.

15. Жорий йилнинг 10 июнидан бошлаб намунавий тарзда Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида "Ҳар бир оила — тадбиркор" ҳудудий дастури (кейинги ўринларда — Ҳу-дудий дастур) амалга оширилсин.

Андижон вилояти ҳўкимси (Ш.Қ.Абдурахмонов) жорий йилнинг 10 июнига қадар мазкур қарорда кўр-сатилган ишчи гуруҳларни тузсин.

16. Ҳудудий дастурда кўзла ту-тилган вазифаларни молиявий таъ-минлаш мақсадларига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар буйи-ча давлат қўмитаси томонидан жалб қилинадиган хорижий молия инсти-тутлари кредит линияларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар ажратиши маълумот учун қабул қилинсин.

Дастур координаторлари мазкур маблағларни туманлар (шаҳарлар) салоҳияти, келиб тушган мурожаат-ларнинг асосланганлиги, шакллан-тирилган лойиҳаларнинг истиқбол-и ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналиштирилганлиги ҳамда ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Анди-жон вилояти тижорат банкилари ва ту-манлар (шаҳарлар) кесимида тақсим-ласин ҳамда уларга зарур ҳолларда қайта тақсимлаш ваколати берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миқдори банки (А.К.Мирсоатов) ушбу кредит маб-лағларини Дастур координаторлари тақсимотида асосан Андижон вило-ياتида фаолият юритувчи тижорат банкиларига йиллик 3 фойз тўлов шар-ти билан қайта молиялаштирсин.

17. Андижон вилояти ҳўкимлиги (Ш.Қ.Абдурахмонов) манфаатдор ва-зирлик, идора ва ҳўжалик бирлашма-лари, Ўзбекистон Республикаси ак-циядорлик тижорат Ҳаққ банки билан биргаликда:

бир ой муддатда насли қоромол, парранда ва кўенларни маҳаллий шароитларга мослаштирувчи махсус фермаларни ташкил этиш;

мазкур фермаларга чет элдан мах-сулдорлиги юқори бўлган наслдор қоромол, эчки ва кўен зотларини олиб келиш, қўлайтириш ҳамда вилоятнинг табиий-иқлим шароитларига мос зот-ларини яратиш, молларни суний қоч-қиринишнинг илгор технологияларини жорий этиш;

мазкур фермаларда маҳаллий шароитга мослаштирилган наслдор қоромол, эчки ва кўен зотларининг кўргазмаларини ташкил этиш ва аҳо-ли хоҳишига асосан уларни танлов асосида мақбул нарҳларда сотиб оли-нишига замин яратиш;

аҳолига махсус фермалардан со-тиб олинган чорва моллари, кўен ва паррандаларни боқиб технологияла-рини батафсил тушунтириш ва кел-гусида ҳар бир хонадонда мавжуд чорва моллари ва паррандаларни ва-кцинация қилиш тадбирларини амалга ошириш, аҳолига наслдор молларни суний қочқириниш ва узлуксиз ветери-нарий хизматлари кўрсатиш тармоғи-ни кенгайтириш;

сифатли омикхта ем ишлаб чиқа-риш корхоналарини ташкил қилиш борасида лойиҳа ташаббускорлари-га ҳар томонлама қўмаклашиш, аҳо-лининг йиллик эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда омикхта ем, витаминлар, премикслар, қўшимчалар ҳамда ве-теринария препаратларини етказиб бериш;

йирик тадбиркорларни жалб этган ҳолда sanoatлашган чорвачилик клас-терларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия ва-зирлиги Ж.А.Қўчқоров, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б.З.Асадов Андижон вилояти ҳўкимси Ш.Қ.Абдурахмонов билан биргалик-да оилавий тадбиркорлик фаолияти илгор ривожланган хорижий мамла-катлар тажрибасини ўрганиш учун Андижон вилояти иқтисодий комп-лекси мутасадди ходимларини хиз-мат сафарига юбориш буйича тегиш-ли чораларни кўрсин.

19. Белгилансинки, республика-нинг бошқа ҳудудларида Дастур уни амалга оширишнинг аниқ молиявий мабалалари ва ҳисоб-китобларини наз-арда тутган ҳолда Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддат-да "Ҳар бир оила — тадбиркор" да-стури доирасида кредитлар ажратиш тартибини ишлаб чиқиш тавсия этил-син.

21. Ўзбекистон Миллий телера-диокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор билан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни кенг қўламада ёритиш тавсия этилсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респу-бликасининг Бош вазири А.Н.Ари-пов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

TAJRIBA

ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТГАН ЛОЙИҲА

Санжарбек АЗИМОВ

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Континент ФА" (фортепиано ансамбли) форум-фестивали якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Амба Шарипова ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа жорий ўқув йилида ик бор амалга оширилди. Бунда Маданият вазирлиги, Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Мухтор Ашрафий уй-музейи маъмурияти ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Форум-фестиваль истеъдодли ёш композиторларни бирлаштириб, янги номларни кашф этди. Улар орасидан Ольга Ким, Жаҳонгир Тўраев ва Олим Муллаевни алоҳида эътироф этиш мумкин. Яна бир неча нафар талаба Токио шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусиқий танловда 1-ўринга сазовор бўлди.

Тадбир якунида соҳа вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, "Континент ФА" форум-фестивалини келгусида давом эттириш истигини бил-дириди.

YOZ — 2018

Ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътили мароқли ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятида ўттиздан ортиқ дам олиш маскани фаолияти йўлга қўйилган. Болалар учун тури мадания-маънавий тадбирлар ўтказилмоқда



"УМИД"ДА ҲАР КУНИ БАЙРАМ

Масалан, яқинда Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши фаол-лари Урганч шаҳридаги 93-мактаб-интернати қошида ташкил этилган "Умид" болалар соғлом-лаштириш оромгоҳида бўлди. Дам олувчи-ларга турфа китоблар, кийим-кечакалар совға қилинди.

Бадиий дастур доира-сида ўғил-қизлар фоль-клор-этнографик жамо-аларнинг ранг-баранг

чиқишларидан баҳраманд бўлди. Ижодкор болалар-нинг ўзлари эса, шырлар ўқиб, қўшиқ ва рақслар ижро этди. Айниқса, опа-сингил Маҳдиё ва Гулҳаё Комилжоновалар-нинг соҳир овози амиллар-ни ром этди.

Меҳмонлар ёш му-саавирлар яратган санъат асарлари кўргазмаси билан ҳам танишди.

— Шаҳардаги Ёшлар маркази ва оромгоҳи-мизда мунтазам ўтказиб

келинаётган бир-бирдан кезиқтарли тадбирлар болаларнинг кайфиятига илҳомий таъсир кўрсат-япти, — дейди "Умид" болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Сарвар Абдуллаев. — Таътил пайтида 240 нафар ўғил-қизни қабул қилишни режалаштирганмиз. Улар-нинг вақти чоғ ўтишида Ёшлар иттифоқи ҳам улуш қўшаётир. Уйлайманки, бу йилги мавсум еркин таас-суротларга бой бўлади.

EKSPOZITSIYA

Н.НУРАЛИЕВА

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида шу номдаги кўргазма бўлиб ўтмоқда. Унда 15 нафардан зиёд уста-хунарманднинг даруона ишлари намойиш этилган.



ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РАВНАҚ ТОПГАН ЮРТ



Ташриф буюрганлар-га миқдрий хунарман-чилигимиз тарихи, ислом динининг маданият ва санъ-атчилигига таъсир, аждо-лардан қолган бой маънавий мерос ҳақида атрофлича маълумот берилмоқда.

— Ундан ортиқ шоғирлим бор. Турли кўргазмаларда иштирок этамиз. Хорижда миқдрий хунарманчилиги-мизга кўзикиш катта. Мен дунё бўйлаб унинг шўхратини янада оширишни хоҳлайман.

"Ислом маданияти равнақ топган юрт" номи кўргазма 12 июнга қадар давом этади.

IQTIDORLI YOSHLAR — MAMLAKAT TAYANCHI

Нозима МИЯССАРОВА

Инҳа университети талабаси Достон Мардиевнинг мазкур ихтироси автотранспорт бошқарувчилари учун айни мўлдао.

ТАЛАБА "АҚЛЛИ ДЎППИ" ИХТИРО ҚИЛДИ

Узоқ йўл ҳайдовчини толиқтиради. Баъзилар рўда мудраб қолиши ҳам мумкин. Бошга қўндирилган ақлли қурилма бунни дигнал пайқаб, те-гизиши ҳодисаларнинг олдини олган бўламиз.

— Ҳозир "ақли дўп-пи" учун мобил илова яратяпман, — дейди ёш ихтирочи. — Шу иш битса, қурилмани қўшимча функциялар билан бойиш мумкин бўлади. Масалан, бирон ҳалокат юз берган-да ёки ҳайдовчи тебранма сигналлардан уйғонмаган тақдирда "автоматик қўнғирок" функцияси ишга тушиб, телефонингизнинг ўзи тез тиббий ёрдам хизмати, фавқулод-

да вазиятлар бошқармаси ёки милиция таянч пунктига хабар етказди. Яна бир янгилик: кейинги бошқарувда қурилмани GPS қўзғатув тизими билан "қуролантириш"ни ҳам кўзда тутганман.

"Ақли дўппи" Достон Мардиев чекидаги илк ихтиро эмас. Жорий йилда тенгдошимиз уй юмушларини бажарув-чи ҳамда оғир юкларни кўтариб, ташини учун мўжадланган роботлари билан "Falling walls lab Tashkent" танловида ҳам муваффақиятли иштирок этганди.

Ҳа, битта талаба-нинг шунчалик байрати ва иқтидори борлиги-ни кўриб, чин дилдан қувонсан, киши. Аслида юртимиз тараққиётини ҳам Достон каби жонқу-яр, фаол ёшлар белгилаб бериши ҳақиқат.

Ёшлар иттифоқининг ишчи гуруҳлари таълим тизимидаги ҳақиқий аҳволни ҳам ўрганди. Галвир сувдан кўтарилгач, камчиликлар юзага чиқди.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК – ЖИНОЯТ!



Қуйи Чирчиқ туманида 51 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уқувчиларнинг давомати бирмунча юқори. Аммо таълим сифати даражаси вилоят бўйича анча паст.

Тумандаги бешта ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида давомат кўрсаткичи 79 фоизни ташкил қилиб, 56 нафар ўқувчи дарсларни мунтазам қолдириши аниқланган. Ўзлаштириш даражаси паст 200 нафар ўқувчи билан тизимли ишлар олиб борилмапти. Оқибатда уларнинг 14 нафари турии йўллар билан Россия ва Қозғоғистонга ишлашга чиқиб кетган.

Афсуски, Қуйи Чирчиқ туманидаги мактабгача таълим тизими ҳам оқсоқ. 19 та боғча-нинг тўрттаси таъмирталаб. Болаларнинг 70 фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб

олинмагани ҳамда 23 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда боғчалар умуман мавжуд эмаслиги ҳам кишини ҳайратга солди.

Ҳозирда ишчи гуруҳи вазиятни ўнглашга астойдил бел боғлаган. Хусусан, таълим сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш кўзда тутиляпти. 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олишга доир концепцияни ишлаб чиқиш ҳам режада бор.

Ана шундан кейин ишсизлик баҳонасида им олмоқни четга суриб, ўзга юртларга пул топиш илжинжа кетган йигит-қизлар Ватанига қайтиб, хунар, тилларни ўрганади, ўзи учун муносиб иш топади деган умиддамиз.

ВАЗИЯТ ЧАТОҚ! БИРОҚ ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРОЛМАЙМИЗ

Ҳозирда ишсизлик билан бутун дунё курашмоқда. Наилж, замон шунақа — Ер кўррасида аҳоли сони тобора ортаётди. Ҳаммага иш керак, ҳамма ҳам яхши ва тўкин яшашни хоҳлайди. Модомики, бу эҳтиёжни қондириш давлат чекидаги вазифа экан, демак, у янги иш ўринларини яратиш бўйича аниқ-пухта режага, таъбир жоиз бўлса, ҳаракатлар стратегиясига эга бўлмоғи даркор. Ўзбекистон ана шу йўлдан бормоқда.

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, хусусий секторга имтиёз ва преференциялар беришга ҳаракат қилинаётгани бежиз эмас. Бундай фаолият доирасида давлатимиз турган гапки, ёшларнинг ҳам истиқболлини инобатга олган. Зотан, бизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади-да. Аммо ҳар йили касб-хунар коллежларию олий ўқув юртларини тамомлаб, меҳнат бозорига келиб қўшилаётган юз минглаб битирувчиларга муносиб иш топиб беришнинг ўзи эмас. Янги

завод ва фабрикалар қуриб бериш билангина иш битмайди. Унутмайлик, бундай лойиҳалар учун кўпдан-кўп сармоялар йўналтириш талаб қилинади. Шу туфайли давлатимиз ишсизлик-дек катта ижтимоий муаммони кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиб ҳал этишга уринмоқда. Яна Қуйи Чирчиқ туманига қайтамиз.

Эътибор беринг, туманда атиги иккита (!) sanoat объекти мавжуд. Шулар ҳам тўлиқ қувват билан ишлаётгани йўқ. Қуйи чирчиқлик салкам 1 минг 300 нафар йигит-қиз ишлаш учун четга чиқиб кетгани ҳам тасо-



У ЗАМОНЛАР ЎТИБ БЎЛДИ

Маънавият — миллатнинг қўдратидир. Тафаккури теран, онгу шуури юксак кишилар жамиятнинг чинакам бойлиги саналади. Шу боис юртимизда маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Қуйи Чирчиқ туманида фаолият олиб бораётган ишчи гуруҳлари аҳолининг маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш билан боғлиқ тизимли ишларга алоҳида эътибор қаратади. Натيجида аҳвол қониқарли эмаслиги маълум бўлди.

Тумандаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг деярли барчаси таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Ачинарлиси, ҳудудда инсонга маърифат зиёсини улашувчи на бир кутубхона, на кинотеатр бор.

Ўрганишлар муаммоларни рўй-рост кўрсатиб берди. Эндликда уларга ечим изланмоқда. Яқин кунларда ҳудудда янги ва замонавий кутубхоналар, маданият уйлари, музей ва театрлар ташкил қилиниб, аҳолига беминнат хизмат

қила бошласа, ажабмас. Лекин бу фақат мутасаддиларга боғлиқ иш эмас. Бунга одамлар ҳам бош қўшмоғи керак. Олма пиш, оғзимга туш, деган замонлар ўтиб бўлди.

Тасаввур қилинг, юқоридики камчиликлар бартараф этилса, Қуйи Чирчиқ ҳақиқий маънавият ўчоғига айланиши тайин-ку! Туман аҳлининг ҳаётга қараш, қизиқишу уй-фиқрлари буткул ўзгарса ажаб эмас. Ўғил-қизлар болалигидан китобга ошно тутиниб, театрга боради. Олдига улкан мақсадлар қўяди. Палончи асар қаҳрамонидек жасур бўлиш, ҳаммага ёрдам беришдек эзгу нишлар қалбада ниш уради. Қарабсизки, бири тадбиркор, бирови олим, бошқаси муҳандис бўлиб етишади. У кунларга оз қолди, жуда оз...

ОЁҒИМИЗГА БОЛТА УРАЁТГАН КИМ?!

Мамлакатимизда ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Аиниқса, ҳудудларда ўтказилаётган профилактик тадбирлар бу йўлдаги амалий ҳаракатларнинг самардорлигини оширишга хизмат қилаётди. Аммо беш қўл баробар эмас. Баъзи ҳудудларда аҳвол ҳанузгача яхшиланмаган.

Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманидаги ўрганишлар натижасида жорий йилда ҳудуддаги ёшлар томонидан 15 марта жиноят содир этилгани маълум бўлди. Ачинарлиси, қинғир йўлга

юрганларнинг 3 нафари вояга етмаган. Шунингдек, жорий йилининг ўтган олти ойи мобайнида 383 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилди.

Яна бир муаммо. Туманда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан келиб, уй-жой олиб, йиллар давомида яшаб келаётган 683 нафар (129 нафари вояга етмаган) фуқаро бор. Лекин улар доимий ёки вақтинчалик рўйхатга қўйилмаган. Шундай бўлса-да, биронта раҳбар ҳам бу борада бош қотирган эмас — сен менга тегма, мен сенга тегмайман қабилада иш тутиб келинмоқда. Ишчи гуруҳла-

ри томонидан муаммо тўлиқ ўрганилиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг уриб кетишига, аввало, оиладаги носоғлом муҳит сабаб бўлади. Шу нўқтан назардан оилавий низо ва келишмовчиликларни бартараф этиб, ажримлар сонини камайтириш аини музда. Бироқ Қуйи Чирчиқ туманида йил бошидан шу бугунга қадар ёш оилалар ўртасида 52 ажрим ҳолати қўзғатилгани бу борадаги ишлар қониқарсизлигидан далолат беради.

Ўрганишлар давомида

салбий тенденцияга барҳам бериш мақсадида наврасталарнинг ҳуқуқий онгини ўстиришга хизмат қилаётган турии учрашувлар, танловлар ўтказишга келишиб олинди. Шу билан бирга, диний экстремистик оқимларга қўшилган ҳамда носоғлом маънавий муҳит ҳукмрон оилалар билан индивидуал шугулланиш тизими йўлга қўйилди. Маҳалаларда ўтказилаётган сайёр судларни кўпайтириш, ёшларга айбланувчиларнинг аянчи тақдирини ўрнак қилиб кўрсатиш ҳам ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шунда иллатлар оёғимизга болта урмайди.



Қуйи Чирчиқ туманида ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун етарли шароит яратилмаган. Спорт-соғломлаштириш ишлари қониқарсиз аҳволда.

СПОРТ ЗАЛЛАРИ ЕТИШМАЯПТИМИ, ҚУРИБ БЕРАМИЗ!

Бунда, албатта, соҳа мутасаддиларининг “қўли бор”. Лоқайдик сабаб 14 та умумтаълим мактабида ҳалигача спорт зали йўқ. Спорт анжомлари ҳам етишмайди. Шўрлик ўқувчи-

лар, қорли-қировли кунларда жисмоний тарбия дарсини синфхонасида гурунг қилиб ўтказишга мажбур. Натيجا аён — спортда ўз имкониятларини намойен этишга қодир минглаб

ёшларнинг истеъдоди ривожланмай қолмоқда. Бугун спортни оммалаштириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда тадбиркорларнинг ҳам ўрни бор. Қуйи чирчиқлик тадбиркорларнинг бу борадаги ташаббуси ўз

диф эмас. Кўриниб турганидек, вазият чатоқ. Лекин шундай дея қўл қовуштириб ўтириб бўлмайди. Янги иш ўринларини кўпайтириш чораларини кўрмоқ зарур. Масалан, тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш ҳам бир ечимдир.

Ёшлар иттифоқи вакиллари-дан иборат ишчи гуруҳи шу кеча кундузгача 116 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имкониятини яратди. Бунинг учун уларга тижорат банклари томонидан жами қарийб 2 миллиард 284 миллион сўм кредит ажратилди. Натيجاда, атиги икки ҳафтада туманда 152 та янги иш ўрини яратилди. 105 нафар тенгдошимизга ҳам ўз бизнесини бошлаш учун имтиёзли кредитлар берилди. Самараси тез орада кўринади, деган умиддамиз.

Аҳолининг ўз таъби дидига мос иш топишида меҳнат ярмаркалари ҳам кўмакчи механизм бўлиб хизмат қилмоқда. Фақат бундай тадбирлар хўжакўрсинлик учун эмас, балки амалий натижани чин дилдан истаб ташкил қилинса бас. Афсуски, Қуйи Чирчиқни бу жиҳатдан намуна қилиб кўрсатолмаймиз. Ўзингиз ўйланг ахир, бутун бошли туманда ярим йилда атиги битта меҳнат ярмаркасини ўтказиш (натيجاда 14 нафар йигит-қиз ишга жойлашган, холос) ҳудуд мутасаддиларининг гарданидаги масъулиятни ҳис этмаслиги ёинки бандлик масаласини ўз ҳолига ташлаб қўйганини аниқлатмайми?

Республика ишчи гуруҳи ҳудудда ўрганиш ишларини бошлаганидан буюн бор-йўғи битта меҳнат ярмаркасини ташкил қилган бўлса-да, аммо нақ 1 минг 63 нафар ёш иш билан мутасаддиларнинг гарданидаги масъулиятни ҳис этмаслиги ёинки бандлик масаласини ўз ҳолига ташлаб қўйганини аниқлатмайми?

ИШСИЗЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИДА



2 минг 847 та иш ўрни ташкил этилди.

Қўшимча 563 та янги иш ўрини яратиш имконини берувчи 33 та йирик лойиҳа ижроси учун 27 миллиард 625 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди.

Қаровсиз ётган 145 та бино 22 нафар ташаббускор тадбиркорга ноль харид қийматида ажратиб берилди.

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан жами 88 нафар тадбиркор таклиф қилиниб, тумanning иқтисодий салоҳияти билан таништирилди.

Туркиялик ишбилармонлар билан тайёр мато ишлаб чиқарилган текстиль фабрикасини қуриш ва 135 та янги иш ўринини яратиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга оширишга келишилди.

Тумандаги 9 та маҳаллада “Ёшлар меҳнат гузари”ни қуриш учун ер майдонлари ажратилди. Дастлабки учтаси июль ойида ишга тушиши белгиланган.

“Навқирон” маҳалласи ҳудудидан 12 сотих ер майдони ажратилиб, “Ёшлар” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

“Ойдинобод”, “Мингчирор”, “Хўжа”, “Галаботир” маҳаллаларидаги 246 та хонадон вакили учун томорқадан фойдаланиш маданияти бўйича махсус семинарлар ташкил этилди. 22 нафар ёшга томорқадан самарали фойдаланишига кўмак берилди.



Республикада илк бор тажриба сифатида “10 гектарчи ёшлар” лойиҳаси амалга оширилиб, унинг доирасида 140 нафар йигит — қизнинг бандлиги таъминланди.

Галла етиштирган 420 та фермер хўжалигига 420 нафар вақтинча ишсиз тенгдошимиз бириктирилди ва шу орқали уларга галладан бўшаган ер майдонларига иккинчи экин экиб, даромад олишга шароит яратилди;

28 нафар ёшга иссиқхона барпо этиш ва чорвачилик билан шугулланиш учун 82 гектар ер ҳамда 980 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

YOSHLIK ILHOMI

ТИНЧ ҲАЁТУ
ТАБАССУМ УЧУН...

Рус тилидан
Раҳмат БОБОЖОН
таржималари

Сени унуттими? Унда ким билан...
Булишаман ахир дардим, ғамимни.
Узгалар эсида қўйиб яхши,
Асрларга чўзиб сукут дамимни...

Аямдим ўзимни асло
Тинч ҳаёту табассум учун.
Шундай оз йўл юрдим-у, аммо
Кўп хатолар қилибман бугун.

Сергей ЕСЕНИН

Менинг бугун юмушларим кўп,
Хотирани ўчириб бошдан
Юрак тошдек қотиши керак...
...ва яшашим лозим бир бошдан.

Ҳеч ўйлаб кўрдингми, мен ҳам сен
каби,
Мени ҳам чиқарса бўлади ёлдан.
...ва ўзим отаман дарду қайғуга.
Ташлайман кўркмасдан жаҳлдор
отдан.

Сўнгра донолардан сўрайман, балки
Отларнинг раҳимини келтириб
муҳам.
Сенга жунатурман ўзгача совға —
Бу кўзим ёшидан тўйган рўмолчам...

Сўз эмас, нигоҳ-ла ёғдирдим лавнат...
Қалбинг уммонига кетмадим чўкиб.
Мен ваъда берман, кетмайди умрим
Ёлгон ваъдаларнинг ичида ўтиб.

Тўн мисоли ўтган у кўнлар ҳаққи,
Мен сенинг ёнига қайтмайман,
бахтим...

Анна АХМАТОВА

— Қачон кўришамиз биз, қачон?
— Билмадим, лек...
— Ишдамисан?
— Ҳа...
У ўйлади: қарайди ортга,
Бир бор, бир зум қарар, албатта.

Боққан каби қумуш ярим ой,
Қаро дилга турди синиқ нур.
Ким билар у, балки, ўч марта,
Юрагидан жим қараганлар.

Расул ҲАМЗАТОВ

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига малака оширолқчи элим. Бунинг учун қандай имтиҳонлардан ўтишим керак? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз?

Абдулла МАҲМУДОВ
Тошкент шаҳри



Саволга ҳуқуқшунос
Баҳром ИАҲОМЖОНОВ
жавоб беради:

— Ҳуқуқнинг 2018 йил 4 майдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги низомга

қўра, институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курсларига номзодлар тест ва сўхбат асосида саралаб олинади. Тест синови Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан Ўзбекистон тарихи, иқтисодиёт назарияси ва ҳуқуқшунослик фанларидан ўтказилади. Унга 90 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир фан бўйича 20 тадан савол тузилиб, тўғри жавоб

учун 1,5 балдан берилди. Умумий ҳисобда 67,5 балдан юқори натижа кўрсатган ёшлар сўхбатга киритилади. Сўхбат жараёнида номзодларнинг бошқарув қобилияти, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий даражаси, психологик барқарорлиги, ташилотчилиги, етакчилиги, ватанпарварлик хусусиятлари ҳамда жамоа билан ишлаш кўникмалари аниқланади. Сўхбат 15 дақиқа давом

(Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).




қолардим. Онанон, сизни, сизни яхши кўраман! Тунда уйқудан олдин дадамнинг юзидан ўпиб, унга хайрли тун тилардим-у, сизнинг эрталабингизни тинглаб, ором олардим. Аммо бирон марта "Онанон, ширин тушлар кўринг!" — дея юзингиздан ўпиб қўймабман-а. "Армонинг борми?", — деб сўраша, уйга толаман. Армонларим бисёр. Сизга дунёларни совға қилмоқчи эдим. Аммо улгурмадим... Дунё кезишингизни истагандим. Афсус, бу орзуим ҳам ушмай қолди. Чунки энди йўқсиз, онажон!

Бир кун сочинми тараётганингизда тижирлик қилганман. Шунда онаси вафот этган кўшимизи Рабоб ота: "Менинг ҳам онам сочларимни шундай тараб қўйса эди", — дея ҳўрсиниб қўйганди. Уша дам унинг ҳолатини тўшунмаган эканман... Сиз оламдан ўтганингизда тўйиб-тўйиб йўғаладим. Сизни ҳафа қилганим, ҳаловатингизни ўғирлаганим, баъзан ширин ва мазаали таомларингизни "емайман" деб инжиқлик қилганимга ачиниб йўғаладим. Ҳозир ҳам кўзларимда эмас, бироқ энди афсусдан эмас, муҳтожликдан йўғаламоқдаман. Сизга муҳтожман, она!

КО'NGILDAN KO'CHIRMALAR

Гулзода ОМОИ

Ассалому алайкум, онажон! Қаранг, тонг отди. Кўёшининг заррин нурлари кўзларимга оҳиста кўниб, қамаштирар экан, сизни эсладим. Ҳар куним сизни эслашдан бошланади. Сизни жуда ҳам соғинадим. Қани энди менга шундай имконият берилса-ю, сиз билан яна бир кунгина, майли, бир соатгина бирга бўлсам.



СИЗГА МУҲТОЖМАН, ОНА!

Онажон! Мехрингизга тўвламадим. Майли, бу ҳам Аллоҳнинг бир синовидир. Сизни қалбдан доимо хис қиламан. Фақат қабрингиз устига ташланган тўпроқ бизнинг орамизда тўсиқ бўлиб турибди. Сизга айтар гапларим шунчалар кўпки, хаёлимда гўжгон ўйнайди.

Эслайсизми, турилган кунимда велосипед олиб бермаганингиз учун сиздан ранжиганман. Бироқ аразим кўлга чўзилмаган. Биргина

ширин сўзингиз билан ҳаммаси тарқаб кетганди.

Елимда, ҳаҳратонда сиздан сўроқсиз синфдошларим билан қорбўрон ўйнаб, узок қолиб кетганман. Ушанда тўни билан иситмабди, алаҳсираб чиққан эдим. Сиз эса, бир зум ҳам ёнимдан жимай, гоҳ сув тўтиб, гоҳ пешонамни сочқ билан артиб, тўни бедор ўтказдингиз. Ёмон туш кўриб, йўғлаб ўйгонганимда "Жон болам!", — дея баргингизга босдингиз. Онажон, ис-

сиққина бағрингиз тафтини соғиндим. Аризмас юмушни бажарсам ҳам, бошингиз кўкка етарди. "Раҳмат, қизим! Ўзининг дастеримдан ўргилай", — деб эркалаб, мактаб кўярадингиз. Уйлаб қарасам, сизга бирон марта раҳмат айтмаган эканман... Болагимизда мени доим дадамдан кизганар эдингиз. "Кимни кўпроқ яхши кўрасан: онангни, даангними?" — деб сўраша, иккиланиб

МИЛЛАТЛАР БЎЛСА ГАР АҲИЛ-ИНОҚ, ДЎСТ, ЭЛЛАР ТУРМУШИДА БЎЛМАС ҲЕЧ КАМ-КЎСТ



Рассом: Жаҳонгир МИРЗО

BUGUNNING GAPI

"ТАБАҚАЛАНГАН" ТҮЙХАТЛАР

Мардона ЗОКИРОВА,
Ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси



Тўй хўп яхши нарса-да. Дийдорлашиш имкони бор. Орзу-ҳавас билан тўй бошлаган оиланинг қувончига шерик бўлиш ҳам инсонга ҳузур бағишлайди. Аммо баъзи ҳолатлар борки, кишини ўйга толдиради, мулоҳазага чорлайди.

Кўшимиз Зилоланинг тўй кунини аниқ бўлди. Келин ҳадик-ҳаяжонда. Тайёрлик авжига чиқиб, дарсларга-да бормай қўйди. Тўнов кунини йўлда учрашиб қолдик. Салом-алиқдан сўнг, қўлидаги бир тахлам тўйхатларни кўрсатди. Негадир улар турфа хил эди. Гап-сўздан англашимча, тўйхатлар "табақаланган" экан. Оламнинг айтишича, келиннинг дўгоналари биргина тўйхат орқали кўев ва унинг оиласига "баҳо" беради. У ҳашамдор бўлса, оила ўзига тўк, бадавлат экани, акси бўлса, хонадон эгалари фирт зикнадиғи ҳақида "ҳукми" чиқарилади. Эҳ-ҳе, одамларимиз нималарни ўйлаб топмайди дейсиз... Тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш борасида шунча ишлар қилинаётганига қарамай, ўзимиз бошимизни балога қолдиришимиз. Тўғри, ҳаммамнинг ўзига яраша орзу-ҳаваси бор, аммо ҳар нарсада меъёр бўлгани яхши. Дейлик, жимжимадор тўйхатнинг бир донаси ўртача 10 минг сўм турсин. Келин уни 50-60 кишига улашади. Кўряпсизми, 500 минг сўм шундоққина ҳавога совириляпти. Тагин уша тўйхатни биров эслалик сифатида сақлаб қўйса ҳам майли эди. Бироқ ундай эмас-да, аксарият одамлар уни ташлаб юборади. Тўйчининг ортиқча харажат қилгани қолди, холос. Момом айтарди, илгари қизлар тўйи олдидан

рўмолчалар тўқир, янгалар уларни кўевнинг яқинларига улашарди. Бу келиннинг эпли эканини аңлатар, кўевжуралар ҳам яхши ният билан совғани доимо ёнида олиб юрар экан. Ҳали ёшман, орзуларим бисёр. Аммо тўй-ҳашам учун кетадиган харажатларни тасаввур қилиб, баъзида кўрқиб кетаман. Ота-онамни ўйлайман. Бурунгилар топганича тўй қилган бўлса, бугунгилар ким ўзарга ўйнайди. Азиз ўқувчи, аслида тўй бизни ваҳимага солиши эмас, аксинча, хурсандчилик, барака олиб келувчи шодана сифатида севинтириши лозим. Ҳарқалай, барчаси ўз қўлимизда!

НАЈВИЯ

"БОШИНГ СУДДАН
ЧИҚМАСИН, БОЛАМ!"

Болалигимдан детектив киноларга ўлғудай қизиқар, ҳаётда ҳеч бўлмаса бир марта сўлда қатнашиб, жиноятнинг фош этилишига гувоҳ бўлишни истардим. Ниятим холис экан, кунин-кеча маҳалламизда бўлган очик судда... қатнашдим: айбдор сифатлида. Хуллас, мактаб стадионига маҳалла аҳли йиғилиди. У ерга ёши ўттиздан ошиб ҳам тайинлишининг бошини тутмаган мен — Ҳўрозбой ва дўстим Қовунқалла айбдор сифатида қақирилдик. Одамлар йиғилгач, оқсоқол: "Урингиздан туринг, суд келаяпти!" — деди тантанавор оҳанда. Даврага паст бўйли, тепакал, қўлатинга каттақон папка қистириб олган судья кириб келди. Унинг гавдаси яримча келиши-ку майли, ёшимиз ҳам нари борса икки-уч йилга фарқ қилар-ов! Бунинг кўриб, тақдиримни шу одам ҳал этишидан, рости, хафа бўлдим. Судья салобатироқ киши бўлганида бунчалик алам қилмасдим...

Унинг ортидан икки нафар барваста киши келиб унгу сўл томондан жой олади. Шу пайт менга яқин жойдан: "Вой, шўрим курсин, болам!" — деган овоз эшитилди. Бу онам эди. Атрофга боқиб, у кишини ахтара бошладим. Эртасига эса... Гапимни тугатиб ўлғурмасимдан врач ўрнидан туриб кетди. — Бекорни айтибсан, алмақандай эмас, тез ёрдам машинаси эди... Ўртоқ судья! Бу ярамастар... Кўпол гапим учун узр... Бу аҳмоқлар тез ёрдамга телефон қилиб: "Одам уяяпти, тез келинлар!" — деди. Борсақ, катта йўл четидан мана бу Ҳўрозбой чўзилиб ётибди. Қовунқалла ёнида йиғилди. Уларни машинага чиқариб жўнадик. Бир пайт орқадан: "Машинани тўхтатинг", — деган овоз эшитилди. Тўхтатилган ўлғурман ҳам эдик, сакраб тушиб, қочиб қолдик. Кейин билсақ, булар бировнинг уйини тунаб чиқиб, жиноят

қилган жойидан олислаб бизни қақирган. Мақсади аниқ — терговни чалғитиш, изни йўқотиш бўлган. — Бу билан мени касал эмас, ўғри демокчимисиз? — дедим бўш келмай. — Ҳа! — зарла қилди врач. — Унда айтинг-чи, сиз врачмисиз ёки масҳарабоз? — Шунчақам бемаза савол буладиман, ахир, қирқ йилдан буюн тез ёрдамга ишлашимни бутун туман билди. — Унда нега соғ одам билан касал кишининг фарқига бормадингиз?.. Бу саволимдан сўнг даврада «гўр» этиб кўлга кўтарилди. Судья эса, эснаётганга ўхшаб оғзини ёпди, кулгусини шўрдиди. Бечора врач баттар қизариб кетди ва: — Сен! Ҳали шовшмай тур!!! — дея қўлини бизгиз қилишдан нари ўтолмади. Хуллас, ўлар аҳолидаги одам билан соғлом кишини фарқдай олмайди деган врачнинг қўли баланд кела бошлади. Қарасам, вазият жиддий. Дарҳол жабрайида қиёфасига ўтдим. Ҳартўғул, бу иш берди. Ахлоқ тузатиш ишига жалб этилдик. Ҳозир ўртоғим билан курилишда уста ёрдамчиси бўлиб ишлялгимиз. Маоримизни жаримага тўлаялгимиз. Лекин биз ҳам анойим эмас, ушанинг кўзини шамғалат қилиб... уч-тўрт сўм топиб туришимиз. Тўғри-да, шундай катта бино икки-уч қоп цемент ва беш-олти боғлам темир-сиз қўлаб тушармиди?! Мўҳими, шунча йилдан буюн илк бор онамнинг аюсини оялган. Ҳар кун ярим тунда уйга топган пулимни олиб борарканман, онам аввал ўша врачни, судьяни ва маҳалла оқсоқолини дуо қилди. Ниҳоят, навбат менга келди ва соддалик билан: — Ишларинг доим шундай ўлғаниб юрарсин, бошинг суд ташвишо терговдан чиқмасин, болам! — дейди.

Ҳўрозбойнинг гапими РАВШАН оққа кўчирди.



Ёшлар иттифоқининг Нарпай тумани кенгаши ва маҳаллий ҳокимлик кўмаги билан ижтимоий аҳволи оғир 15 нафар йигит-қизга ногиронлик аравачаси тақдим этилди. Улар учун тумандаги Ёшлар иттифоқидаги концерт дастури ҳам ташкил қилиниб, болажонлар мириқиб дам олди.

FOTOFAKT

Жисмоний имконияти чеklangан тенгдошларимизнинг қайғиритини кўтаришга Иттифоқнинг Элиққалла тумани кенгаши фаоллари ҳам астойдил бел боғлаган. Кунин-кеча улар «Тоза-боғ» овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган етти ёшли Сўхробек Тўхтабоевнинг уйига бориб, янги ногиронлик аравачасини совға қилди.

Роҳатой ҚОДИРОВА

YOSHLAR OVOZI contact information and subscription details. Includes phone numbers, email addresses, and social media links. Also contains a barcode and publication details.